
ТАБИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Худудгаз Фарғона” МЧЖ Ахборот хизматининг хабар қилишича, шу кунларда магистрал газ қувурларида таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги сабабли бутун Фарғона вилояти ҳудудида вақтинчалик газ таъминотида пасайишлар кузатилади.

МЧЖ тасарруфидаги барча шаҳар ва тумангаз филиалларига магистрал газ қувурлари орқали етказиб берилаётган табиий газни, биринчи навбатда, кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа муассасаларига йўналтирилиши, табиий газга боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича ишлар ташкил этилган, кучайтирилган ишчи гуруҳлари шайлиги таъминланган.

Таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги туфайли “Худудгаз Фарғона” МЧЖ раҳбарияти газ таъминотидаги вақтинча узилишлар ҳамда бунинг ортидан келиб чиқувчи ноқулайликлар учун вилоятимиз аҳолиси, шу жумладан, қувасойлик табиий газ истеъмолчиларидан узр сўрайди.

Барчамизга равшанки, она заминимиз бағридан қазиб олинаётган табиий газ маҳсулоти сўнгсиз-адоқсиз эмас. Қолаверса, у вилоятимизга Қашқадарёнинг Муборак шаҳри ҳудудидаги газ қазиб олиш корхонасидан бизгача бўлган қарийб 1000 километрлик масофага Қамчиқ довони орқали, “ҳаволатиб”, яъни очиқ қувурлар орқали етказиб берилади. Устига-устак, ҳозирги қишнинг совуқ кунларида ҳароратнинг юқорилиги сабаб, ушбу қувурларда табиий газ оқими секинлашади. Бу эса, ўз-ўзидан равшанки, маҳсулот етказиб беришда қийинчиликлар туғдиради.

Шу билан бирга, ҳозирги қиш-қировли кунларда ўзингиз ва яқинларингиз ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида қуйидаги қоидаларга амал қилишингизни сўраймиз:

-газ анжомларидан фойдаланиш вақтида уларни қаровсиз қолдирманг, уйдан чиқаётган бўлсангиз газ анжомларини ўчириб қўйишни унутманг;

-газ анжомларини ўзбошимчалик билан созламанг ва бошқа жойга кўчирманг;

-газ анжомларидан резина шланг улаб фойдаланманг;

-газ анжомлари жумраклари (кран)ни очиқ қолдирманг;

-мавжуд тутун чиқариш мўриконларининг созлигини кўнгилли ўт ўтириш жамияти томонидан текширтинг;

-газнинг сизиб чиқишини совун кўпиги ёрдамида текширинг (очиқ олов билан эмас);

-агар уйда газ ҳидини сезиб қолсангиз, гугурт ёки чироқларни ёқманг, ёритувчи ва бошқа электр асбобларини ёқманг ҳамда ёқилган бўлса ўчирманг, ойна ва эшикларни очиб хонани шамоллатинг, зудлик билан оила аъзоларингизни ташқарига олиб чиқинг ва 104 телефон рақами орқали авария хизматини чақиринг.

Қувасой шаҳар

ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-01-25 18:16:23